



ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА МАДАНИЯТНИНГ ТАЪСИРИ

*Ашуров Шаҳобиддин,
СамДЧТИ доценти*

Калим сўзлар: лингвистик гипотеза, индивидуал баҳолаш, интерактив вазифа, эвристик вазифа, мажозий вазифа, аудиовизуал восита.

Дунёдаги турли тилларда гаплашадиган халқлар ўзига хос турли хил маданий этник тарихга эга. Тил ва маданият бир-биридан ўзаро фарқ қиладиган икки ўзгача соҳа бўлса-да, аммо улар бир-бири билан ўзаро муштаракдир. Тил ташқи оламни англаш ва уни тушуниб етиш ҳамда инсонлар ўртасидаги ўзаро мулоқотнинг асосий воситаси ҳисобланади. Шунингдек, бошқа миллатлар маданияти билан танишиш имконини беради. Ҳар бир маҳаллий маданият ўзига хос тарихий ва табиий шароитларда шаклланиб, ўз дунё тасвирини, инсон қиёфасини ва мулоқот тилини яратади. Ҳар бир маданиятда мавжуд тил тизимининг роли ҳамда вазифаси фақатгина ўзаро мулоқот воситасигина бўлиб қолмасдан тил маданиятнинг пойдевори, унинг ички асосини ташкил этади. Чунки тил ёрдамида инсонлар турли рамзлар, меъёрлар ва анъаналарни акс эттиради, маълумотларни узатади ҳамда одоб-ахлоқ, ишонч, янгиликка интилувчанлик, ҳистуйғу, кадр-қиммат ва қатъийлик шакллари ва бу ҳақдаги илмий билимларни ифодалайди. Тил ва маданият орасидаги боғлиқликни ўрганишни илк бор 1911 йилда америка маданият антропологи Ф.Боас ва британиялик ижтимоий антрополог Б. Малиновскийлар икки маданиятни уларнинг луғат таркибини қиёсий тасвирлаб бериш орқали бошлаб берган.

Мисол тариқасида кўпчилик шимолий америкаликлар учун қор – об-ҳаво ҳодисаси бўлиб уларнинг сўз бойлигида фақат икки сўзни «snow» (қор) ва «slush» (ёғингарчилик), эскимослар тилида эса қорнинг турли ҳолатларини тасвирлайдиган 20 дан ортиқ сўзлар

мавжудлигини ҳамда бу ҳолат ушбу маданиятларнинг ҳар бирида нима муҳимлигини кўрсатиб беради.

Тил ва маданият орасидаги муносабатни англаб етишда Сепир-Уорфнинг “Тил нафақат фикрларни ифодалаш воситаси, балки тил бизнинг фикрларимизни шакллантиради, бундан ташқари биз дунёни қандай сўз орқали ифодаласак шундай кўрамиз”, деб тасвирлаган лингвистик гипотезаси катта ҳисса қўшган. Ушбу фикрга келишда олимлар томонидан турли тиллар таркиби эмас, балки уларнинг тузилиши европа халқлари тиллари ва хопи тили (ҳинду қабилалари тили) мисолида таҳлил қилиб чиқилди.

Г.Глесоннинг таъкидлашича тиллар нафақат маданиятлар меваси, балки маданиятлар рамзидир (Г.Глесон, 1961). Ҳар қандай тилнинг ривожланиши шу тил маданияти, уни билишнинг маданий белгилари ва ушбу халқ урф-одатларининг тилда аниқ-равшан ўз аксини топиши орқали кўзга ташланади. Бундан ташқари, тил жамият томонидан шакллантириладиган ижтимоий институтдир (Э.Армор-Томас, С.Гопал-Мак Никол, 1998). Бундан англашиладики, тил мустақил тузилма эмас, балки у биз яшаб фаолият кўрсатадиган ижтимоий жамият томонидан яратилади. Албатта, тил ташқи муҳитдан холи бўла олмайди, тил ва маданият орасида доимий боғлиқлик мавжуд. Бу нарса шуни кўрсатадики, янги бир тилни ўрганиш ўша тилга алоқадор маданият белгиларини ўзлаштиришни тақозо этади. Айрим олимларнинг фикрича, маданият ҳаёт тарзи сифатида аниқланади (Э.Конден, 1973). Одамлар қаерда яшашидан қатъи назар уларнинг хулқ-атвори ва қарашлари уларнинг



маданиятига асосланади. Маданиятнинг турли ўлчов ва меъёрлари мавжуд. Булар жумласига ғоялар, урф-одатлар, маҳорат, санъат ва маълум бир даврга хос кишиларни тавсифловчи, шунингдек, ҳаётимизнинг таркибий қисми бўлган ишонч-эътиқод, моддий ва маънавий тушунчалар қиради. Маданият ҳар бир шахснинг когнитив ва ҳиссий кечинмаларидан ташкил топади. Ушбу ҳолат индивидуал баҳолаш ва муносабат ҳамда шахснинг ёқтирган машғулоти каби ҳаётнинг амалий аспектига ҳам таъсир кўрсатади.

Маданият урф-одатлар мажмуи бўлиб, улар анъанани ва бу анъаналар эса маданиятни келтириб чиқаради. Маҳаллий халқ томонидан одатий ҳаракатлар билан бошланган жараён одатдаги стереотипни яратишга олиб келади. Э.Конденнинг таъкидлашича, стереотип ҳар бир шахснинг маданиятини гуруҳ таснифидан келиб чиққан ҳолда белгилаб беради (Э.Конден, 1973). Маданий стереотиплар одамларнинг қандай фикрлаши, гапириши, ҳаракат қилиши ва ўзаро қандай муносабатда бўлишига таъсир этади. Бир сўз билан айтганда, маданият ва мулоқот ажралмасдир, яъни маданият мулоқотнинг асосидир. Зеро, маданиятсиз атрофимиздагиларнинг ҳаёти ва мотивациялари, уларнинг қизиқишлари ва қарашларидаги боғлиқликни англай олмаймиз. Маданият бизнинг мавжуд-лигимиз ва жамиятни ривожлантиришда қудратли восита сифатида ўзига хос кучга эга. Шундай экан, тилга хос муносабатлар доирасида ҳам маданият жуда нозик хусусият касб этади. Маданият чегараси тўхтовсиз ўзгаришда ҳамда у осон йўқотилиши ҳам мумкин. Маданият кадрланмаса уни йўқотиб қўйганимизни билмай қоламиз.

Тилшунослик тилни илмий тадқиқ этувчи фандир. Тил маданиятни қабул қилиш ва етказишга хизмат қиладиган имо-ишора ёки ёзма рамзлар, овозли белгилар тизимидир. Шу билан бирга, у мулоқот воситаси ҳамдир. Ҳар қандай тилни ўрганишдан асосий мақсад бошқалар билан муносабатга киришиш ёки мулоқот қилишдир. М.Ҳолледийнинг

фикрича тилнинг вазифалари етти соҳага ажратилади. Улар қуйидагилардир: 1) инструментал вазифа: бунда тил аниқ бир ҳодисалар содир бўлишига сабаб бўлиши ва атроф-муҳитни бошқаришда фойдаланилади; 2) тартибга солиш вазифаси: бунда тил воқеаларни назорат қилади, тингловчини маъқуллаш ёки маъқулламаслиги билан тўқнаш келади; 3) репрезентатив вазифа: фикрни тилда баён қилиш, фактларни етказиш ва билим бериш, изоҳлаш кабилардан фойдаланилади; 4) интерактив вазифа: тил ижтимоий қарашларни таъминлашга хизмат қилади, бунда сленг, жаргон, латифа, халқ оғзаки ижоди ва ижтимоий ўзгаришлар назарда тутилади; 5) хусусий вазифа: тил ҳиссийёт ва шахсиятни ифодалашга хизмат қилади; 6) эвристик вазифа: тил билим олиш ва ўқишда қўлланилади; 7) мажозий вазифа: бунда тил эртак, роман ва шеърлар ёзишда, тез айтиш, топишмоқ ва бошқа шу кабиларни яратишда фойдаланилади (М.Ҳоллидей, 1973).

Тил ва маданият ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир-бирига ўз таъсирини ўтказиб туради. Тил халқнинг маданиятини намоён қилади, чунки у сўзловчилар фикридаги маданиятни кўрсатиб туради. Маданият ҳам ўз навбатида тилни ўзида акс эттиради ва мамлакатнинг иқтисодий, диний ҳамда фалсафий тузилишини ўзида мужассамлаштиради.

Тил маълум бир халқ ғоялари ва тушунчаларини ифодалашга хизмат қилади. Бу эса ҳар бир даврдаги ўзига хос устунликка эга бўлган маданий хусусиятларга боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин. Тилнинг ривожланишига қарабмаданият ҳам ўзгаради. Ҳар қандай тилнинг мулоқот воситаси сифатида муқаррар устунлиги шундаки, тил чексиз мослашувчанлик хусусиятига эга, яъни сўз маъноси ўзгариши мумкин ва шундан сўнг янги рамзий маъно пайдо бўлади. Мисол учун, инглиз тилидаги “*nice*” сўзи “*ёқимли, хушмуомала, ажойиб*” маъноларини англатади. Бироқ XV асрда “*nice*” сўзи “*аҳмоқ, шўх, шаҳватпараст*”



ва ҳаттоки “ёвуз” маъноларини англаган. Ушбу ҳолат тил ижтимоий ва тарихий ўзгаришларга нисбатан эволюцион ҳаракатда бўлишига яққол мисол бўла олади.

Маълумки, Америка турли маданият ва тилларга бой халқлардан ташкил топган. Ушбу ўзига хос турли маданиятлар Америка маданиятининг шаклланишига ва қайтадан аниқланишига ҳануз таъсир кўрсатиб келмоқда. Хусусан, америкаликларнинг кундалик нутқига турли янги сўзлар кириб келмоқда. Масалан, “*long time no see*” гапи хитой тилидан таржима қилинган. Бундан ташқари, Америка маданиятида “*sushi*” ва “*tofu*” каби бир қанча сўзлар ҳам пайдо бўлган. Одамлар бундай сўз ва гапларни мулоқот жараёнида қўллайди ва тушунади. Негаки, бу мослашувлар аллақачон маҳаллий маданиятнинг бир бўлагига айланиб бўлган (С.Аллисон, К.Вининг, 1999).

Маданият ҳам ўз навбатида тилга ўз таъсирини ўтказди. Маданият сўзига берилган тушунчалар 400 дан ортиқ. Маданият сўзи тор маънода маълум бир гуруҳ инсонлар орасидаги кадрятлар, ишонч ва нормаларни ташкил этувчи тизим, деб қаралса (М.Грий, 1994), кенгрок маънода у ёки бу жамиятга хос фалсафий қарашлар, илм, фан, маориф, санъат, ахлоқ, дин, ҳуқуқ, сиёсат ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда ижтимоий тараққиёт даражасини акс эттирувчи омил ҳисобланади. Маданият нафақат инсонларнинг кадрят ва урф-одатларини ўзгартиришга, балки, уларнинг тили ва хулқ-атвориغا ҳам таъсир кўрсатади. Маданий билим лисоний етукликка эришишда муҳим ўрин тутди. Жамиятда маданият амалдаги тил элементларига боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин. Мисол тариқасида, маданий жиҳатдан қўлланилмайдиган сўзлар ҳамон тилда учраб туради. Янги сўзлар маълум бир маданий фаолиятга кўра пайдо бўлади. Ота-боболаримиз томонидан қўлланилган жаргонлар ҳозирги кунда қўлланилаётган жаргонлардан фарқ қилади. Турли даврларда турлича “оммавий машхур

тиллар” мавжуд бўлган. Бу тиллар кундалик турмуш тарзидаги теледастурлар, сиёсат ёки мусиқа ва бошқа шу каби халқ маданиятига таъсир этувчи омиллар туфайли шундай даражага эриша олган.

Қисқа қилиб айтганда, тил жамият ва унга хос маданиятнинг бир қисми сифатида тушунилиши лозим. Шу сабабли, талаба хорижий тилни унинг маданий хусусиятини ўрганмасдан туриб, тўлиқ ўзлаштира олмайди. Маданий таълим нафақат тил ўрганувчилар, балки, хорижий тил ўқитувчилари учун ҳам жуда муҳим. Бинобарин, ўқувчига маданий асосланган, маданий бой муҳитни қамраб оладиган билимлар берилса хорижий тилни ўзлаштириш анча осон кечади. Р.Ладонинг таъкидлашича, она тили ва ўрганилаётган хорижий тил ўртасидаги фарқли ҳолатлар талаба учун қийинчилик туғдиради (Р.Ладон, 1957). Шу ўринда маданий хусусиятларни инобатга олган ҳолда хорижий тилни ўқитишда айрим тавсияларни стратегик кўрсатма сифатида баён қилиб ўтмоқчимиз.

Хорижий тилни ўқитишдаги грамматик кўникма ва мулоқот компетенцияларини ривожлантириш учун тил маҳорати ҳамда маданий кўникма каби мерос талаб этилади (Д.Тенесоулс, 2001). Хорижий тилни ўқитишда нафақат тил материаллари, балки уларни маданий омиллар билан боғлаган ҳолда ўргатиш лозим. Бунда ўқитувчи ҳақиқий маданий вазиятларни ўз ичига оладиган маълум бир материаллардан, жумладан фильмлар, янгиликлар, телешоулар, веб сайтлар, журнал, газета кабилардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

Ўқитувчи ушбу материалларни ўқувчининг ёши ва тил қобилятига қараб мослаштириши зарур. Мисол учун, бошланғич босқичдаги тил ўрганувчиларга хорижий тилдаги янгиликлар ва телешоулар орқали саломлашув ёки оддий одоб-ахлоқ меъёрларига хос маданий нормаларни ўргатиш тавсия этилади. Аудиовизуал воситалардан фойдаланиш талабада тили ўрганилаётган мамлакат маданияти ва ҳаёти ҳақидаги тасаввурни



ҳамда тилни ўрганиш даражасини оширишга хизмат қилади.

Ўрганиладиган хорижий тилда кўп учрайдиган мақолларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш талабаларга ушбу мақолларнинг она тилидаги муқобилларига қанчалик ўхшаш ёки ноўхшашлигини тушунишда катта ёрдам беради. Шунингдек, бу ҳолат тили ўрганилаётган мамлакатнинг тарихи ва маданий ўтмиши ҳақида тасаввур ҳамда билимга эга бўлишга ёрдам беради. Мақоллар ёрдамида хорижий тилни ўрганишда тиллар ўртасидаги маданий ўхшашлик ва ноўхшашликларни тадқиқ қилиш имконияти пайдо бўлади. Шунингдек, миллий кадриятларни ифодаловчи мақолларни ҳар иккала тил киёсида ўрганиш энг самарали усул ҳисобланади.

Хорижий тилни ўрганишда ролли ўйинлар ўзига хос ижтимоий-маданий аҳамият касб этади. Бинобарин, ижтимоий-маданий ёндашув янгича замонавий усуллардан бири бўлиб, унинг асосий мақсади тил ўрганувчини маданиятлараро мулоқотга тайёрлашга хизмат қилади. Ролли ўйинлар маданий хулқ-атвор ва мулоқот намуналарини ўзлаштиришда жуда маҳсулдор ҳисобланади. Масалан, маданиятлараро тушунмовчиликни келтириб чиқарадиган бирор воқеани саҳналаштириш мумкин. Шу орқали талабаларнинг шунга ўхшаш *реал* муаммоларни енгиб ўтишга хос талабаларнинг мулоқот стратегиясини ривожлантиришга имкон яратилади. Талабаларнинг бу каби изланишлари ва маданий саҳна кўринишларини рағбатлантириш ҳам ўрганилаётган тил маданиятини ўзлаштиришга катта ёрдам беради. Хорижий тилни ўрганишдаги бу каби ролли ўйинлар Г.Тейлор ва Ж.Соренсонлар таърифига кўра “маданий капсулалар” деб аталади (Г.Тейлор, Ж.Соренсон, 1961). Бу тушунча

ўрганилаётган хорижий тилнинг баъзи аспектларини талабанинг она тилидаги маълумотлар билан қарама-қарши кўйиш орқали амалга ошириладиган усулни ифодалайди. Бундай маълумотлар одатда ўқитувчи томонидан берилади, лекин талабалар бу ҳолатларни ўзлари кўрсатиб беришларини талаб қилиш орқали самарали натижага эришиш мумкин. Бундай ҳолда талабаларнинг берилган топшириқ бўйича маълумот топишга масъуллиги ошади ва шу билан бирга, уларда тадқиқот олиб бориш ёки мустақил ўрганиш имконияти пайдо бўлади. Талаба берилган топшириқлар, яъни ўрганилаётган тил маданиятига хос тадқиқот бўйича қисқача баён ёзиши ёки тақдимот тайёрлаши мумкин. Ушбу тили ўрганилаётган мамлакат маданияти орқали талабалар маҳаллий ва маданий урф-одат ҳамда анъаналарни киёслаб ўрганиши мумкин. Замонавий компьютер технологиясидан фойдаланиш ҳам тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини ўзлаштиришда катта ёрдам беради. Компьютер ҳамда хорижий тил дастурлари ўқувчига материаллар устида мустақил ишлаш имкониятини беради. Интернет тизими орқали ўқувчи ўзига зарур бўлган ҳар қандай материалларга эга бўлиши мумкин. Бундан ташқари, талабалар интернет манбалари ёрдамида турли хил мавзудаги маданиятни акс эттирувчи маълумотларни олиш, хорижий тилда ўқиш ва луғат бойлигини ошириш каби тил компетенцияларини мустаҳкамлаш ёрдамида маданий билимларини оширади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, талаба хорижий тилни мукамал эгаллаши учун тил ва маданиятни узвийликда ўрганиши мақсадга мувофиқдир. Тил ўрганувчи қанчалик кўп маданий тушунчаларни ўзлаштиради, шунчалик кўп кучли билимга эга бўлган, рақобатбардош мутахассис бўлиб етишади.

Адабиётлар:

1. Allison S. R., Vining C. B. Native American culture and language. 1999, Bilingual Review, 24, 193-207.



2. Armour-Thomas E., Gopaul-McNicol S. Assessing Intelligence: A Bio-Cultural Model. 1998, Sage Publications, INC.
3. Condon E. C. Introduction to Cross Cultural Communication. 1973, New Brunswick, NJ: Rogers University Press.
4. Gleason H. S. Jr. An Introduction to Descriptive Linguistics. 1961, New Delhi: Oxford and IBH Publishing Company.
5. Greey M. Honouring diversity: A cross-cultural approach to infant development for babies with special needs. 1994, Toronto: Centennial Infant and Child Centre.
6. Halliday M. Exploration in the Function of Language. 1973, London: Edward Arnold.
7. Lado R. Linguistics across Cultures. 1957, Ann Arbor: University of Michigan Press.
8. Taylor H. D., Sorenson J. L. Culture capsules. 1961, Modern Language Journal 45: 350-354.
9. Thanasoulas D. The importance of teaching culture in the foreign language classroom. Retrieved, 2001, October 12, 2006 from http://radicalpedagogy.icaap.org/content/issue3_3/7-thanasoulas.html.

Ashurov Sh. The role of culture in foreign language teaching. The purpose of this article is to discuss the inseparable relation between culture and language and the implementation of instructional strategies for teaching foreign language through culture to enhance students' linguistic comprehension. Culture must be incorporated out right as an essential component of foreign language learning and teaching. Only after cultural issues become an inherent part of the language curriculum and instruction, can students be successful in their target language learning. Foreign language teachers, therefore, should pay more attentions to the diversities of cultures, identify key cultural items in every aspect when they design a language curriculum, and apply appropriate teaching strategies to learning activities in order to help students to bridge the culture gaps.

Ашуров Ш. Роль культуры в преподавании иностранных языков. Настоящая статья посвящена изучению неразрывной связи между культурой и языком, а также разработке педагогической стратегии в рамках преподавания иностранного языка посредством культуры в целях совершенствования компетенции понимания у изучающих иностранный язык. Культуру следует рассматривать как ключевой компонент процесса изучения и преподавания иностранного языка. Успех изучения целевого языка может быть обеспечен лишь при условии включения культурологических аспектов в учебные программы. Преподавателям иностранного языка следует уделять пристальное внимание представлению культурного разнообразия, рассматривать культурологические аспекты в рамках каждого раздела учебной программы и использовать соответствующие педагогические технологии с тем, чтобы помочь изучающим иностранный язык преодолеть культурологический барьер.